Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!

# ИНСОН ВА ҚОНУН

№ 23 (530)
2007 йил 12 июнь
сешанба

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

**MEZON:**

*Жаҳон — кенг, дунёда мамлакат кўп, лекин бу оламда бетакрор она юртимиз, Ўзбекистонимиз яккаю ягона. Бу гўзал юрт, бу муқаддас замин фақат бизга ато этилган. Мана шу улуғ туйғу ҳар биримизнинг дилимизга жо бўлиши, ҳаётимиз мазмунига айланиши лозим.*

**Ислом КАРИМОВ**

*Ўзбекистон Республикасининг "Жиноят ҳамда Жиноят-процессуал кодексларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонуни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан 2007 йил 28 февралда қабул қилинган ва 2007 йил 30 мартда Сенат томонидан маъқулланди ҳамда 2007 йил 26 апрелда матбуотда эълон қилиниб, шу санадан кучга кирди.*

## Qonunning mohiyati

# ИНСОН САЛОМАТЛИГИ

## доим давлатимиз муҳофазасида, унга зарар етказиш жавобгарликка асос бўлади

Мазкур Қонунни қабул қилишнинг зарурати ва мақсади ҳақида тўхталишдан аввал, мамлакатимизда аҳолини сифатли ва хавфсизлик талабларига жавоб берадиган товарлар ва хизматлар кўрсатиш билан таъминлашга қаратилган бир қатор ислоҳотлар амалга оширилаётганлигини айтиш ўринли. Шунга қарамай, бозор иқтисодиётига ўтиш, тадбиркорликни эркинлаштириш шароитида айрим "сохта ишбилармонлар" томонидан ноқонуний даромад олиш илинжида қонун ҳужжатларида белгиланган хавфсизлик талабларига жавоб бермайдиган товарлар ишлаб чиқариш, ишлар бажариш ёки хизматлар кўрсатиш ҳолатлари ва унинг аҳоли саломатлигига салбий таъсири кузатилмоқда.

Ушбу Қонун юқоридаги ижтимоий хавфли қилмишлар учун жавобгарликни кучайтиришни назарда тутади. Шу боис айнан мазкур Қонуннинг 1-моддаси 1-банди билан Жиноят кодексининг 186-моддасига бир нечта ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Таъкидлаш керакки, Жиноят кодексининг 186-моддасига киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар модданинг барча қисмларига тегишли, яъни модда номининг ўзгартирилиши, унинг диспозициясини аниқ ва тушунарли қоидалар билан алмаштирилиши ҳамда жиноий жазоларни либераллаштириш жараёнида модда санкциясида муқобил жазо турларининг сони кўпайганлиги билан изоҳланади.

2-бет

# Озод юрт одамлари

Мустақилликка 16 йил



*Юрт тинч. Эл шод. Офтоб оҳиста,*
*Тушар осмон кошонасидан.*
*Ўпиб одар эркалаб, аста,*
*Озод миллат пешонасидан.*

*Куняшар — Нурота туманининг Чуя қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида — тоғлар бағрида жойлашган. Табиати мафтункор. Айтиш керакки, қир-адирлар бағрида яшашнинг ҳам талайгина қувонч ва ташвишлари бор. Бу қишлоқда ўзига хос турмуш тарзига эга бўлган оилалар кўп. Ўн бир нафар фарзандни тарбиялаб, вояга етказган Жумагул Примова ҳам ана шундай оила соҳибаларидан бири. Турмуш ўртоғи Мирзақул Хўжамқулов билан ҳаётнинг қийинчилик ва муаммолари, паст-баландликларини енгиб ўтишди.*

## Ezgulik eshigi

# ЯХШИЛИК ЕРДА ҚОЛМАЙДИ

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонини мамлакатимиз фуқаролари хушнудлик билан кутиб олди

— Уч қизим, саккиз нафар ўғлим, ўн беш нафар неварам бор, — дейди онахон. — Қизларни узатганман, бири Қашқадарёда, иккиси шу яқин атрофга тушган. Ўғилларимнинг тўрттаси уй-жойлик, бола-чақалик. Уч ўғлим Учқудуқ шаҳрида ишлайди. Фарзандларимни қўлимдан келганча ўқитдик, олий маълумот олишларига шароит яратиб бердик. Мол боқиб, экин-тикин орқасидан эл қаторида тўйлар қилдик. Тўрт ўғлим ҳали уйланмаган. Соғлиғим борлигида шуларни ҳам уйли-жойли қилсам, армоним йўқ эди. Яқинда қишлоғимизга туман ҳокимлигидан вакил хушхабар олиб келди. У қўлидаги газетадан Юртбошимизнинг ёш оилаларга ёрдам бериш тўғрисидаги янги Фармонини ўқиб-эшиттирганда, барча орзу-армонларимиз ушалишига умид боғлаб, хурсанд бўлдик.

Мен ҳам бўй етган тўрт нафар ўғлимни қандай уйлантирсам, деб туну кун ўйлардим. Худога шукр, энди ҳукуматнинг мададига ишониб, келин туширсам ҳам бўлади. Болаларимнинг ҳаммаси меҳнаткаш, қаерда бўлса-да, ҳалол меҳнат билан нонини топиб ейишига ишончим комил. Уларни қўлловчи, мадад керак эди, холос. Ана шу Фармон биздайларга қанот бўлди.

Дарҳақиқат, Фармон республикамизнинг ҳар бир ҳудудида янги иш ўринлари очиш, ёшларни кичик бизнес ва тадбиркорликка фаол жалб қилиш, ёш оилаларга ўз ишини ташкил этиш учун микрокредитлар ажратиш, касаначиликни ривожлантириш асосида меҳнат билан бандлигини таъминлаш ва ёш оилаларнинг барқарор даромад манбаларини шакллантириш учун зарур шароит яратишга асос бўлди.

Бу Фармон ёш оилаларни маънавий қўллаб-қувватлашни кучайтириш, ёшларда оилага масъулият ҳиссини шакллантириш, ота-онага, кексаларга иззат-икром кўрсатиш, халқимизнинг боқий маънавий қадриятларига ҳурмат руҳида бола тарбиялашга интилиш туйғуларини шакллантириши билан ҳам қадрлидир. Бундан ташқари, бу ҳаётбахш ҳужжат баъзи ёшларнинг ҳаётда эркин қадам ташлашларига кўмаклашиши билан ҳам муҳим аҳамиятга эгадир.

Ҳамма ҳам яхши орзу-умидлар билан мустақил ҳаёт остонасига қадам қўяди. Юртбошимизнинг «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастурига мувофиқ қабул қилган ушбу Фармони фаровон ҳаёт ва бахт калити, Жумагул Примова каби юзлаб кўп болали юртдошларимизнинг шу азиз заминда, шу ажойиб замонда кўнгли тўқ, хотиржам ҳаёт кечириши, фарзандларининг келажагидан бехавотир бўлиши учун муҳим кафолатдир.



**Маруса ҲОСИЛОВА,**
**«Инсон ва қонун» мухбири**

# ТАДБИРКОРЛИК – ЮКСАЛИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

**Мамлакатимиз қонунчилигида тадбиркорларга яратилган кафолатлар туфайли уларнинг иқтисодиётимизни ривожлантиришдаги роли ва ўрни тобора ошиб бормоқда. Мазкур Қонун ҳужжатларининг тўлиқ ижроси таъминланишига эришиш учун тадбиркорларимиз ҳам уларни чуқур ўрганишлари, ўз ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини тушунишлари лозим бўлади.**



Шу мақсадда, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири томонидан тасдиқланган Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгашининг 2007 йил 3 май кунги баённомасига асосан Кенгаш аъзолари ва республика назорат қилувчи органлар вакиллари иштирокида республиканинг барча ҳудудларида семинар учрашувлар ўтказилиши белгиланди.

**(Давоми учинчи бетда)**

## Tizim tadbirlari

# ЁШЛАРНИ ИСТИҚЛОЛ РУҲИДА ТАРБИЯЛАШ – АСОСИЙ ВАЗИФА

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида обод юрт фарзандларини ҳар жиҳатдан баркамол, руҳан ва жисмонан етук қилиб тарбиялаш давлат сиёсати даражасига кўтарилгани бежиз эмас. Зеро, бугунги ёш авлод — ўғил-қизларимиз юртимизнинг келажагини белгилайди. Ватан ва миллат тақдири келажакда шуларнинг қўлида.

Маълумки, Президентимизнинг 2007 йил 30 майда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўн олти йиллиги байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»**ги Қарорида **«...ёшларимизни баркамол инсонлар этиб тарбиялашда ўз шахсий**





**ибрати ва ҳаётий тажрибаси билан намуна кўрсатаётган, эл-юртга хизмати сингган кекса авлод вакилларига ҳурмат эҳтиром кўрсатиш фахрийларимиз меҳнатини муносиб қадрлаш, улар иштирокида турли суҳбат ва учрашувлар, маърифий тадбирлар уюштириш...»** таъкидланади.

3-бет

## Мустақилликнинг мустаҳкам пойдевори

# БУЮК БУНЁДКОРЛИК БИЛАН ЮЗМА-ЮЗ

## буни Ўзбекистон темир йўллари тимсолида кўриш мумкин





**(Давоми. Боши ўтган сонда)**

Шуни айтиш керакки, мамлакатимиз тараққиётида муҳим ўрин тутадиган яна бир йирик иншоот — Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон темир йўли тоғли ҳудудлар бўйлаб ўтган Марказий Осиёдаги биринчи темир йўл тармоғидир. Юқорида айтганимиздек, бу пўлат изларни барпо этиш ер ости конларини очиш, юк ва йўловчи ташиш билан боғлиқ харажатларни камайтириш, янги иш ўринлари яратиш имконини беради. Айни пайтда, Ўзбекистоннинг денгиз портларига чиқиш ва халқаро коммуникация тизимида фаол иштирок этишига мустаҳкам замин яратади. Юртбошимиз таъбири билан айтганда: **«Темир йўллар автомобиль транспорти коммуникациялари тармоғи республиканинг энг олис туманлари ва аҳоли манзилгоҳларини ўзаро пухта боғлаб туради, халқаро транспорт тизимларига уланишини таъминлайди. Шу билан бирга улар бой ўлкамизнинг асосий табиий ва минерал хомашё захиралари манбаларига бемалол кириб боришни таъминлайди».**



Шуни ҳам айтиш керакки, айни кунларда қурилиш ишлари жадал давом этаётган 85 километр узунликдаги «Қумқўрғон-Дарбанд» оралиғида, 110 километр узунликдаги «Тошгузар-Оқравот» оралиғида поездларнинг ишчи ҳаракати йўлга қўйилди. Жами 195 километрни ташкил этган ушбу ҳудудда йўл усти қурилиши ниҳоясига етгач, Қумқўрғон, Бойсун, Дарбанд, Деҳқонобод, Тошгузар станцияларида барча қулайликларга эга бўлган замонавий вокзал бинолари қад ростлади. Шунингдек, Пулҳаким, Чашмаихафизон, Қорадаҳна, Жарқудуқ, Бўзахўр, Қайирма ҳудудларида 6 та разъезд, кўплаб сунъий иншоотлар, 1 та галерея қуриб битказилди. Бинобарин, барча қулайликларга эга бўлган 4 та турар-жой биноси фойдаланишга топширилди.



2-бет

Ушбу сонда:

2 
Тадбиркор фаолияти ҳимояда

3 

Бордан йўқ бўлмайди...



«Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномалари тўплами» нашрдан чиқди

4 Айни ўн беш ёшида...


ЛЕОНАРДО: ТЎРТ АСРКИ СЎНМАГАН ОТАШ


